

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'o shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks. (836645) 6-1001

2015 у.г. «21» сентябрь № 1008-18 Каттакo'rg'on sh. – г. Каттакурган

**“Каттакўрғон шаҳар Ингичка кўчасида нефт маҳсулотларини
тушириш ва сақлаш омборхонаси қуришга рухсат бериш тўғрисида”**

Каттакўрғон шаҳар ҳокими номига “ORIGINAL FAROVON DIYOR” МЧЖ раҳбари А.Мўминовнинг шаҳарнинг ишлаб чиқариш ҳудуди Ингичка кўчаси атрофидан нефт маҳсулотларини тушириш ва сақлаш омборхонаси қуриш учун ер майдони ажратиш бўйича ёзган хатини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экспертиза хулосасини, ОАЖ “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”нинг 2009 йил 9 июндаги № 2-10/1101 сонли келишув хатини ва барча тўпланган ҳужжатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер ва Шаҳарсозлик Кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54- сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар “ORIGINAL FAROVON DIYOR” МЧЖ раҳбари А.Мўминовга Ингичка кўчаси атрофида фойдаланилмай турган 0,93 га ер майдонида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган нефт маҳсулотларини тушириш ва сақлаш омборхонаси қуришга рухсат берилсин.
3. Каттакўрғон шаҳар “ORIGINAL FAROVON DIYOR” МЧЖ раҳбари А.Мўминовга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли ваколатли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.

183

5. Шаҳар бош архитектори О.Розиқов ва шаҳар ҳокимлиги етакчи мутахассиси Ж.Нигматуллаевларга нефт маҳсулотларини тушириш ва сақлаш омборхонаси қуришга ажратилган ҳудудни жойнинг ўзидан (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома расмийлаштириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



Ш.Ж.Рахмонов